

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 70 (6812)
1997 йил, 10 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мустақиллигимизнинг олти йиллиги айёми нишонланганига бир неча кун бўлган бўлса-да, ҳали ҳануз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига самимий дил сузлари битилган табрикномалар келиб турибди. Энг яхши тилаклар баён этилган дастлабки мактуб АҚШ Президенти Уильям Ж. Клинтондан келган бўлса, Япония Императори Акихито, Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Херцог, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси Елизавета II, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва бошқалар йуллаган табрикномаларда ҳам мам-

ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ

лакатимиз, халқимиз шаънига эзгу истаklar билдирилган.

ЮРТИМИЗДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Кеча пойтахтимиз Тошкентда катта спорт байрами бошланди. «Президент кубоги» анъанавий халқаро теннис турнири қатнашчилари «Юнусобод» спорт мажмуида уз омадларини синая курадилар. Турнир 14 сентябргача давом этади. Турнир доирасида ёш теннисчилар мусобақасининг ҳам утказилиши мамлакатимизда спортнинг бу турини янада оммалаштиришга хизмат қилади.

КУП КУРИШ ЗАРАР

Кун телевизор енида утириш кишининг куриш қобилиятини 30 фоизга емонлаштираркан. Олимларнинг фикрича, курсатувни куриб бўлгандан сунг бир неча соат утгач организмда куриш учун жуда муҳим бўлган «А» витамини 50 фоизга камаймиш. Шунинг учун азиз болажонлар, ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, телевизорни ҳам ортқича куриш зарар экан-да.

Ассалом, сентябрь! Билим кўчалари гавжум

Кечагина жим-жит мактаб бугун қайтадан жонланди. Болаларнинг топ-тоза кийимлари ҳам, шўх-шодон овозлари ҳам кайфиятингизни кутаради. Ана шундай кўчалар буйлаб, пойтахтимиздаги Ҳамза туманида жойлашган Абдулла Авлоний номли 156-мактаб томон йул олдик.

Мактаб урду тилига ихтисослашган.

— Мактабимизда 825 нафар бола таълим-тарбия олади, — дейди мактаб директори Шавкат Акмалов. — Бу йил иккита синф очилди. I «А» урду тилига ихтисослашган бўлса, I «Б» синфда инглиз тили чуқур ургатилади. Барча фанлардан ўқитувчиларимиз етарли. Ҳукуматимиз қарорига биноси барча мактабларда бўлгани наби бу еда ҳал I-синфга чиққан ҳар бир фарзандимиз кийим-бош, ўқув куроллари билан таъминланди. Бу ҳам бўлса болажонларимизга бўлган яна бир гамхурликдир.

Ҳа, мактаб гавжум. Бу гавжумлик — тинчлигимиз, хотиржамлигимиздан далолатдир. Ҳамиша кўчаларимиздан болалар шовқини, қувноқлиги ва шўхлиги аримасин.

Қахрамон ЗОКИРОВ.



Ҳарқаллада ҳарҳайл БИТТА КАЛЬКУЛЯТОР БЎЛСА БАСМИ?

Бекатда автобус кутиб туриб, ун бешун олти ёшлардаги икки угил боланинг суҳбатини эшитиб қолдим.

— Қосим камерсангликдан катта фойда кураётганмиш-а? Қара, шу болаям йулини топиб кетди-а...

— 9-синфни эсон-омон битириб олай, меҳам камерсант буламан. Бошингни оғритиб, узингни қийнамайсан. Ҳамен тула жарақ-жарақ пул. Ҳисоб ташвишини қилмасанг ҳам булади. Битта калькулятор бўлса бас...

Танамдан совуқ тер чиқиб кетгандек булди. Наҳотки билимдон «камерсант» бўлиш учун битта калькулятор етарли бўлса?

Махбуба НАРЗИЕВА,
Навой вилояти, Навой тумани.



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси тапаббуси билан ташкил этилган, Мустақиллигимизнинг 6 йиллигига бағишланган анъанавий куриқ-тан-


либ тарбиялашга ундайдиган энг яхши асарларни танлаб олиш ҳамда уларни рағбатлантириш, кенг ўқувчилар оmmasига етказиш эди.

Куриқ-танловга миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашга қахрамонлик, мардлик,

Танишинг, голиблар

куриқ-танлов шартларига тула жавоб бера оладиган бадий баркамол асарлар танлаб олинди ва қуйидагилар совринли уринларга лойиқ деб топилди. Булар шоир Уроз Ҳайдарнинг

киндик қоним», «Тупроққа фило жоним», Ҳамза Имомбердиевнинг «Бир кунлик мўъжиза», Бобур Бомуроднинг «Элим булди давлатли» тупламлари ҳамда Кавсар Тур-



ЭНГ ЯХШИ КИТОБЛАР — БОЛАЛАРГА

ловнинг 1997 йилги тури якунланди. Ундан мақсад Ватани севиш, миллий қадриятларни ардоқлаш, болалар онгига мустақиллик ва миллий давлатчилик руҳини сингдириш, ёш авлодни одоб-ахлоқли, маънавий баркамол қи-

инсонпарварликни таърифлашга бағишланган қизиқарли, болалар дунёқарашини шакллантиришга ердан берадиган янги асарлар қабул қилиниб, улар нуфузли ҳайъат томонидан куриб чиқилди.

Қўшлаб қўлэмалар ичидан

«Ҳазилкан қиш», Мухтор Носирнинг «Жужанинг шарти» шеърий тупламлари, Эркин Усмоновнинг «Туп кинога ухшайди», Курдош Қахрамоновнинг «Қалбаги чандиқлар» қисса ва ҳикоялар китоби, Султон Жабборнинг «Тукилган

диеванинг «Бола қалбини сузлатиб» адабий танқидий рисоаларидир.

Ғолиблар пул мукофотлари, совриндорлик ердиклари билан тақдирланадилар ва уларнинг асарлари чоп этиш учун нашриётларга топширилади.

Болалар, Сизларга маълумки, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ўз фаолиятида бошқа жамғарма ташкилотлари билан ҳамкорликда маънавият ва маърифат, қадриятларимизнинг тикланиши борасида жуда катта ишларни олиб бормоқда.

Биз қуйида «Камолот» жамғармаси Ховос туман бўлими бошқаруви раиси Абдушохид Абдуқодиоров билан мухбиримиз Абдуманноп АЗИМОВнинг қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Абдушохид ака, «Камолот» жамғармаси туман бўлимининг серқирра фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

ёшлар ташкил этишининг узигина олдимиздаги вазифаларнинг гоят мураккаблигидан далолат бериб турибди. Ёшлар буш



— Тугри таъкидладингиз, ҳақиқатан ҳам фаолиятимиз гоят серқирра. Улардан бирортасини ҳам иккинчи даражали қилиб четга суриб бўлмайди. Тарихдан маълум бўлишича, буюк бобомиз Амир Темур ҳар гал сафарга чиқаётганларида, энг аввало уша давлат ёшларининг кайфиятини урганар, шунга қараб иш тугар эканлар. Туманимиз умумий аҳолисининг 70 фоиздан купроғини 35 ёшгача булган

вақтларини кунгилли утказишлари, ёш истеъдолларни излаб топиш, уларни қўлаб-қувватлаш, турли миллат ва элат фарзандлари уртасида узаро дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида «Дўстлик фестиваллари», «Марафонлар» утказилмоқда. Касб маҳоратларини ошириш мақсадида «Уқитувчи», «Тарбиячи», «Ҳамшира» каби курик-танловлар, ёшларни ҳарбий хизматга тайерлаш, улар қалбига ватан-

парварлик гоъларини сингдириш мақсадида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт уйинлари мусобақалари, ёш истеъдолларни излаб топиш мақсадида «Қувноқлар ва зукколар», «Нафосат», «Уйла, изла, топ» каби курик-танловлар утказилмоқда.

— Айтингчи, Сиз раҳбарлик қилаётган бўлим туман болалар ва усмирлари билан узаро қандай ҳамкорлик урнатган?

— Туманимиздаги қирқдан ортиқ умумтаълим мактабларида бугунги кунда 13 минг 172 нафар бола уқийди. Шулардан 8899 нафари 14 ёшгача булган болалар ва усмирлардир. Яқин-


маси уз фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда йуналтириб бораёпти. Она-юрт, меҳр-шафқат, меҳнат, маънавият, иқтисод, экология ва саломатлик каби йуналишлар ана шулар жумласига киради. Ҳар бир мактабдаги бош етакчилар билан узаро ҳамкорликни яхши йулга қуйганмиз.

Туман марказидан 60 километр узоқликда жойлашган Сармич қишлоғидаги 15-урта мактаб базасида алоҳида махсус футбол синфини ташкил этиш режамиз бор. «Ғаллакор» ширкат хужалиги раҳбари Сувон-

Жамғарма ҳаётидан

Фирмамиз келтираётган соф даромаднинг асосий қисмини хайрия учун ишлатишга қарор қилганмиз. Масалан, туманда истиқомат қилувчи ҳеч кими йуқ ун бир нафар боланинг аҳволидан доимий хабар олиб турибмиз. Туманимиз ҳудудидида вилоят «Меҳрибонлик уйи» жойлашган. Унинг тарбияланувчиларини ҳам эътибордан соқит қилмаяпмиз. Мустақилликнинг олти йиллиги байрами муносабати билан 20 та камтаъминланган оилалар болаларига баҳоли-қудрат совга тайерлаб қуйдик.

ХОВОС «КАМОЛОТ»И



дагина жамғармамиз қошида «Болалар ва усмирлар уюшмаси» ташкил этдик. Унга яхши ният билан «Ниҳол» деб ном бердик. «Ниҳол»нинг бош шиори: «Ватан, Дўстлик, Эзгулик ва Адолат учун!» Унинг ҳар бир аъзоси «Имон, эътиқод, поклик дилимизда, иззат, одоб ила қўлимиз куксимизда!» деган сузларни дилларига жо қилишган. Уюшманинг асосий қоидалари суз ва иш бирлиги, дўстлик ва уртоқлик, бурч ва виждон, ғамхурлик ва меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, миллий анъаналарга садоқат ва бошқа халқларнинг анъаналарига ҳурмат кабилардан ташкил топган.

Болалар ва усмирлар уюш-

қул Худойбердиевнинг алоҳида ҳиммати туфайли 5 гектар ер майдони ажратилиб, алоҳида спорт комплекси барпо этишга, унинг ҳовлисида бог яратишга келишиб олдик. Жамғармамиз асосий маблагни топадиган булди. Бу билан 26 та чекка қишлоқларимиздаги болалар ва усмирларнинг спорт билан шугулланиб, соғлом ва бақувват булиб камол топишларига ҳисса қўшган буламиз.

— Туман ёшларининг тадбиркорлик фаолиятлари ҳақида ҳам бир оз тухталсангиз?

— Ҳозиргача булимимиз қошида «Шухрат» фирмаси ишлаб турибди. Унга Шухратжон Ҳакимов раҳбарлик қилаёпти.

Шуни айтишим керакки, республика қушиқчилик танловида фахрли урин олиб қайтган Дилшодбек Каттабековнинг «Дилшод», ҳамда «Ёш куч» деб номланган фирмалари кечагина туман ҳокимлигидан руйхатдан утиб, фаолиятини бошлади.

Тадбиркорлик борасидаги қилаётган барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун ва моҳияти ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва бақувват булиб камолотга етишишларига яқиндан кумаклашишдан иборат.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

ИШНИ

Утган ҳафта уйимизда Шарофиддин акамнинг мучал туйи булди.

Унда акамнинг уртоқлари: синфдошлари, маҳалладаги болалар, ҳатто қизлар ҳам, туртта уқитувчилари билан келди. Бу еқдан қариндош-уруғлар дастурхонга саруполар тугиб бувим ва бувам ҳамда холаларим, аммам, тоғаларим-у, амакиларим келишди.

Акам бунга лойиқ бола-да. Уқишлари аъло, хулқи намунали. Уйда онамининг «унг қули». Укаларим Бехзод билан Шохруҳнинг севимли акажони.



Мен-чи? Мен унинг аксиман. Нега десангиз, доимо битта ишқал иш чиқариб юраман. Уқишларимни-ку гапирманг. Йуқ, менга қолса мен ҳам яхши бола булгим келади. Лекин

НИМАДАН

айтганимдек, узим билмаган ҳолда... Мана масалан, утган уқув йили бошида акам китоб ва дафтарларини оқ қоғозга чиройли қилиб ураб, папкасига жойлади. Бунни кузатиб турдим-да мен ҳам китоб-дафтарларимни урашга қоғоз изладим. Уйимизда уста ишлаб, деворга чиройли гул қоғоз епиштираётганди. Ана уша қоғоздан шартта кесиб, китоб-дафтарларимни ураб олдим. Шу кунни усталар келмаганди. Эртаси кунни усталар келиб, тоза маш-маша булди.

Дадам яна бошқа гул қоғоз олиб келишга тугри келди.

Бир кунни синфда навбатчилик қиладиган булдим. Синф хонамизни барча болалардан олдин келиб, тозалаб дарс бош-


лашга тайер қилиб қуйишим керак эди. Бир кун аввал Шомил навбатчилик қилганди. Уқитувчим, «полларни ярақлатиб қуйибди-я», — деб роса мақтагандилар. Шомилдан менинг қаерим кам, нега у мақтов эшитганда, мен эшитмас эканман, дедим-да, полларни ярақлатиб ювишга киришдим. Сал утмай ювган полларим оқариб қолаверди. Шундан сунг, кимдир «солярка билан артса, ярақлаб

БОШЛАЙ?

туради», дегани эсимга тушдию, уйга чопдим. Уйдан ярим челақ солярка олиб келиб, полга қуйиб, латта билан ишқалаб чиқдим. Узиям ойнадек ярақлаб кетди. Юз-қулларимни ювиб, мақтов эшитиш учун шай булиб, синфда болалар келишини, унданам бери кунгирок чалиниб, уқитувчим келишини орзиқиб пойладим. Мақтов эшитиш бошқача-да. Лекин яна акси булиб чиқди. Синфга кирган болалару-қизлар сирганиб, тап-тап йиқилишарди. Кунгирок чалиниб, уқитув-

ҚУЛОГИНГГА
ГАЛИМ БОР.

УЖ



чи синфга кириб, икки қадам қуйди-ю, учинчисини қуелмай у ҳам қулади...

Хуллас шунақа гаплар. Ҳар гал яхши бола буламан, деб суз берман. Лекин яна нимадир...

Акам-ку мени тугри йулга соламан деб урингани — уринган. Аммо менинг орқамдан гап эшитгани — эшитган. Акамнинг тугилган кунни унинг уртоқлари орасида обрусилар билан нидлиги, ҳаттоки уқитувчилари ҳам ҳурмат қилиб, табриклага-

ни келгани мени жуда ҳам таъсирлантириб юборди. Айнакча бувим олиб келган зарбоб тун билан саллани кийиб чиққанларида худди театрдаги Бобурмирзонинг узи булдилар-қолдилар. Мен ҳам акамдек аълочи, яхши хулқи бола буламан! Аммо ишни нимадан бошласам экан? Сиз нима дейсиз?

Шаҳобиддин Тўлаганов,
Тошкент вилояти
Зангиота туманидаги
16-мактаб ўқувчиси.

Жаҳон илм-фани, маданиятига улкан ҳисса қўшган, бутун ер юзига тиббиёт султони бўлиб танилган ўрта асрнинг энг буюк олими Абу Али ибн Сино бобомиз — ўзбек халқининг фахри-ғуруридир. Қадимий Гурганжда «Қирқ мулла» («Байт ул-ҳикма») академиясини бошқарганлар тиббиёт, фалсафа, тилшунослик, табиатшунослик, математика, музикашунослик, адабиётшунослик, астрономия каби талай соҳаларда илмий ишлар яратган.

Бутун Оврупога «Авиценна» деган номда машҳур бўлган бобомиз Абу Али ибн Сино жаҳон фани тараққиёти тарихида Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Мирзо Улугбек сингари олимлар орасида олдинги уринлардан бирига эгаллаганлар. Бутун умрлари давомида 280 дан ортиқ илмий китоблари ёзилган бўлса, шундан бизгача 160 га яқини етиб келган. Қолганлари турли шаҳар ва мамлакатлардаги жангу жадаллар туфайли йўқолган.

Ибн Сино бобомиз ҳижрий 370 — милодий 980 йили Бухоро вилоятининг Пешку тумани марказига яқин бўлган Афшона қишлоғида ўқимшли оилада таваллуд топганлар. Бобомизнинг асл исмлари Хусайн, оталариники Абдулло, оналари Ситорабону эди. Бу оила 986 йили Бухоро шаҳрига кучади, шундан кейин Хусайн бошланғич таълимни ола бошлайди. Бобомиз ёш бўлишига қарамай олим Абу Абдулло Нотилий бошчилигида фалсафани, Ҳасан ибн Нух, ал-Қумрийдан табиёт ва табиблик илмини ургана бошладилар. Узларича Фаробий асарларини мутолаа қилдилар. Шундан кейин эса куп йиллар давомида қирқдан ортиқ медицинага оид илмий китоблар ёздилар. Айниқса, ун саккиз жилддан иборат «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») барча ер юзидаги табибларга қўлланма бўлиб хизмат қилган. Улардан ташқари шеър ва қасидалар ҳам ёзганлар. Ҳатто, «Тиб қонуни»ни «Уржуза» услубида шеър билан ҳам битганлар.

Умуман олганда, бобомиз 986 — 1005 йилларда Бухорода таълим олиб, олимликка қадам қўйдилар. 1005—1014 йиллари «Қирқ мулла» подшо томонидан тарқатилиб юборилганидан кейин Жур-

жонга бориб яшайдилар. 1014 йили Райга утадилар. 1015 йил охирида Ҳамадонга бориб, бу жойда туққиз йил яшайдилар. 1023 йилдан то умрининг охиригача Исфохон амирлигида хизмат қилдилар. 428 ҳижрий-қамарий йилнинг рамазон ойида, милодий 1037 йил 18 июнда 57 ёшлирида вафот этганлар. Бутун умрлари Маҳмуд Газнавий ва унинг угли Маҳсуд Газнавий таъқибидан утган, айблари шоҳ саройига бормай илм захмати туфайли қочиб юришлари бўлган.

1980 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан бутун ер юзидаги илгор мамлакатларда бобомиз Абу Али ибн Сино-

утар-утмас бирин-кетин беморлар келишиб, уз дарларини изҳор қилишибди. Бир куни эрталаб эшикка чиқсалар жуда куп одамлар кутиб туришган экан. Улар ичида жағи қийшайиб, илмоғидан чиқиб кетган бир йигит ҳам бор экан.

— Хуш, сен нега келдинг? — сурабди ҳаким. — Қани чик бу ердан, сендақанини кўрмайман!

Бемор йигит тушунтиришга интилибди-ю, гапира олмабди. Шунда ҳакимнинг икки шогирди уни икки томонидан судраб олиб чиқибди. Ҳаким эса унинг ортидан келиб, қийшайган лунжига бошлаб тарсаки туширибди. Жағи жойига келган



(980 — 1037 йиллар)

нинг туғилган кунига минг йил тулганлиги тантанали равишда нишонланди. Бобомизнинг киндик қони тукилган Афшона қишлоғи бутунлай қайта қурилди. Қишлоқдаги 120 дан ошиқ хонадонга антиқа услубдаги уй-жойлар бепул қуриб берилди, бобомиз музейи, унинг номидаги кутубхона, кино-театр, ошхона ва лицей-мактаб, сайлгоҳлар, шунингдек Бухоро шаҳрига борадиган улкан асфальт йўл ҳам унинг чеккасига йуловчилар учун йўлқалар қуриб берилди. Ҳозирги кунда бу қишлоқдаги лицей-мактабда тиббиётга қизиққан ўқувчилар бошланғич медицинадан таълим олмақдалар.

БУЮК ҲАКИМ АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАҚИДАГИ РИВОЯТЛАРДАН ТАРСАКИ

Абу Али ибн Сино Хоразмга келганидан бир ҳафта

йигит йиғлаб тушунтирмоқчи бўлганида ён-веридидаги беморлар

— Булди, табибнинг тарсакиси ҳам даво! — деб кулишибди.

СОМОН ЕГАН

Машҳур табиб Ибн Синога жигари касал бўлиб, юролмаётган бир беморни бориб қуришни илтимос қилишибди. Аммо, табиб вақти зиқлигини айтиб, беморнинг пешобини келтиришларини буюрибди. Улар табибни синаб кўрмоқчи бўлишиб, сигирнинг пешобини келтиришибди. Шунда табиб идишга қараб туриб дебди:

— Ие, беморингиз сомон еб қуйибди, дарров бориб айтинглар, купроқ кукат еса тузалиб кетади!

Келганлар табиб бобомизнинг бу жавобидан қаттиқ изза бўлиб, узр сурашган экан.

ТАРАҚ-ТУРУҚ...

Кунлардан бир куни бобомиз Ибн Сино Бухоро амири билан суҳбат қилиб утириб, гап орасида:

— Мен саҳар пайтида асар ёзиш билан банд бўламан. Лекин ҳар куни айни шу пайтда шаҳар буюқчиларининг тарақ-туруғи бошланиб, хаёлим бўлиниб кетади, — деб нолиган экан. Шундан кейин амир буйруқ чиқариб, буюқчилар эрта тонгда ишламайдиган бўлишибди. Орадан анча вақт утгач, бобомиз яна амир хузурида бўлиб, энди Самарқанддаги буюқчилар тарақ-туруғидан нолибдилар. Амир тажжубланибди, олимнинг Бухорода туриб, Самарқанддаги буюқчилар тарақ-туруғини эшитгани эриш туюлибди. Яна орадан икки ҳафта утгач, бобомиз амир хузурига келиб:

— Бугундан Самарқанддаги буюқчилар тарақ-туруғи тухтади, — дебдилар. Бу гапга амир ҳайрон қолиб, Самарқандга дарҳол одам юбортирибди. Борган одам қайтиб келиб, Самарқанддаги буюқчилар бошлиғи улга-

нинг иши эмасдек. Нега деганда одамларда оғизга тушган нарсани ютишда таскин топиш одати бор.

Худди шундай чайнамай ютиб, қорин оғригига дучор бўлган бемор Абу Али ибн Синонинг олдида келган экан, табиб қуйидаги байт-ни беморга тутқазибдилар:

Ҳазми таомдир чайнасанг, куп майдалаб,
Муддатни чуз, чайнаб егил куп марталаб.

Оғир эрса чайнамоқлик гар тиш билан, —

Қорнинг азоб чекар ани ютиш билан.

УЙҚУНИНИГ ТАДБИРИ

(Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърӣй йирик асари «Уржуза» икки минг сатрга яқин бўлиб, унда «Тиб қонуни»даги фикрлари мужасамдир).

Куп ухлама, нафсга берурсан озор, —

Кам ухлаш ҳам сезгиларга эрур дор.

Ухла купроқ ҳазми таом булмаса,

Ёки сассиқ кекиринг қолмаса.

Оч пайтингда ухламоқни чузмагин, —

Нажас буги то бошингга тузмасин.

Овқатдан сунг ухла баланд болишда, —

Еганларинг пастрлар ҳазм булишга!

БОБОМИЗ УГИТЛАРИДАН

(Ибн Синонинг «Зафарнома» асаридан)

Дедим: — Оқиллар қилдиган яхшиликларнинг қайбири қадрироқ?

Деди: — Емонни емон йўлдан қайтаришлари.

Дедим: — Одамларнинг қилмишларидан қайбири зиенлироқ?

Деди: — Уларнинг купчиликдан яшириб булмайдиган барча айблари.

Дедим: — Тирикликнинг қайбир пайтлари зое кетган ҳисобланади?

Деди: — Кишиларга яхшилик қилиш имкони булатуриб, ундан фойдаланмаган вақтлари.

Дедим: — Кимнинг угитларига қулоқ тутган киши хор булмайди?

Деди: — Аввал устозларининг, кейин донишмандлар ва ота-оналарининг.

САХИФАНИ

Маърифат ёғдулари



нинг иши эмасдек. Нега деганда одамларда оғизга тушган нарсани ютишда таскин топиш одати бор.

Худди шундай чайнамай ютиб, қорин оғригига дучор бўлган бемор Абу Али ибн Синонинг олдида келган экан, табиб қуйидаги байт-ни беморга тутқазибдилар:

Ҳазми таомдир чайнасанг, куп майдалаб,

Муддатни чуз, чайнаб егил куп марталаб.

Оғир эрса чайнамоқлик гар тиш билан, —

Қорнинг азоб чекар ани ютиш билан.

УЙҚУНИНИГ ТАДБИРИ

(Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърӣй йирик асари «Уржуза» икки минг сатрга яқин бўлиб, унда «Тиб қонуни»даги фикрлари мужасамдир).

Куп ухлама, нафсга берурсан озор, —

Кам ухлаш ҳам сезгиларга эрур дор.

Ухла купроқ ҳазми таом булмаса,

Ёки сассиқ кекиринг қолмаса.

Оч пайтингда ухламоқни чузмагин, —

Нажас буги то бошингга тузмасин.

Овқатдан сунг ухла баланд болишда, —

Еганларинг пастрлар ҳазм булишга!

БОБОМИЗ УГИТЛАРИДАН

(Ибн Синонинг «Зафарнома» асаридан)

Дедим: — Оқиллар қилдиган яхшиликларнинг қайбири қадрироқ?

Деди: — Емонни емон йўлдан қайтаришлари.

Дедим: — Одамларнинг қилмишларидан қайбири зиенлироқ?

Деди: — Уларнинг купчиликдан яшириб булмайдиган барча айблари.

Дедим: — Тирикликнинг қайбир пайтлари зое кетган ҳисобланади?

Деди: — Кишиларга яхшилик қилиш имкони булатуриб, ундан фойдаланмаган вақтлари.

Дедим: — Кимнинг угитларига қулоқ тутган киши хор булмайди?

Деди: — Аввал устозларининг, кейин донишмандлар ва ота-оналарининг.

САХИФАНИ

Қишлоқ узра тонг отмоқда. Эрта тонгда мен азон ва хурознинг овозини эшитишни хуш кураман. Хуроз инсонларни гафлатдан уйғотишга тенгдек назаримда.

«Аллоҳ «Қуръон» ўқитган одамнинг, муаззиннинг ва тонг саҳарда қичқирган хурознинг овозини хуш куради», деган сузларни ўқиганимдан кейин хурозга булган меҳрим

Ибрат

ХУРОЗ ҚИЧҚИРИГИ ГАФЛАТНИ КЕСАР

янада ортди.

Эрта тонгда Аллоҳ барча мавжудотга ризқ булар экан. Одамни уйқудан уйғотган хуроз балки энг аввал уйқудан куз очгани учун ризқни куп олар?!

Мен хурозлар овози тингандан кейин онамнинг: «углим, куеш юзи ювилмай, гафлатда

етган одамларнинг юзига нурим тушмасин деб, қизганиб турармиш» — деган сузларини эсга оламан. Ҳар тонг эрта туриб, юзимни ювгани шошиламаман ва эл ичида юзим еруг булсин, гайб оламадан келувчи ризқим бутун булсин! — деб ният қиламан.

Наргиз КАРИМОВА, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 6-мактаб ўқувчиси.

Ўқитувчиларингиз

Ёшлик чоғимга
Ухшаб...

Ухшодидан



Капалакжон, капалак,
Боғимдаги хур малак.
Турфа рангда ёнасан,
Сен мисоли камалак.

Ёшлик чоғимга ухшаб
Ярашасан боғимга.
Қанотларинг қоқасан,
Барчамизга ёқасан.

Асло йукдир қиёсинг,
Ёқимлидир либосинг.
Шуху шодон учасан,
Гулларимни кучасан.

Ҳарир қанот капалак,
Гул излаб, булма ҳалак.
Кел, қафтимга қуна қол,
Қувончимни була қол.
Садоқат ФАЙЗИЕВА.



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Ҳа, ҳа... Сиз жуда узоқ вақт ўзингизга келмай ётдингиз. Бу ер марказий касалхонанинг махсус палатаси. Шунча вақт сиздан кўзқулоқ бўлиб туришди. Махсус мосламалар ёрдамида овқатлантиришди. Вақтида ювинтириб, вақтида кийимларингизни ўзгартиришди. Биз эса имкониятимизга қараб хабар олиб турдик. Кеча «эртага албатта уйғониши керак» дейишган эди, шунга келиб кутиб турган эдим...

— Ойим... ойим қанилар?
— У киши... у киши уч йил бўлди казо қилганлар.

Қосимжон «иҳ» деб юборди. Нимадир ҳалқумига тик қилди. Ўрнидан турмоқчи бўлди. Дилдоранинг ёнига келиб туриб олган киши, шифокор бўлса керак, энгашиб босиқ овозда деди:

— Туришингиз мумкин эмас.

— Дадам-чи, дадам? — Қосимжоннинг овози зўрға чиқарди. Энди Дилдора «пиқ-пиқ» йиғлаб юборди.

— Улар ҳам яқинда... Икки ой бўлди.

Қосимжон ихраб кўкрагини чангаллади. Кейин хўнграб юборди.

Шу пайт хонага оқ халат кийган, семиз, кўзойнакли киши кириб келди. У Қосимжоннинг йиғлаётганини кўриб, «нима гап» дегандек Дилдорага қаради.

— Онам билан дадамни вафот этганликларини айтгандим. Сўрагандилар, ёлгон гапира олмадим, — деди у, — ёки чакки қилибманми, Саид

Воҳидович?

— Йўқ, йўқ, аксинча, ҳамма нарсадан ҳозирнинг ўзида хабардор бўлгани маъқул. Унга ёлгон гапириш, ухлаб ётганида бўлиб ўтган воқеаларни тўппатўғри айтиб бермаслик назаримда сира мумкин эмас. Акс ҳолда, кейинчалик, ҳақиқатни

миз. Бизга сизнинг «Қора қояда» биолог Мансур Мўминов топган ўсимликни синаганингиз маълум бўлди. Сиз ҳозир бизнинг олдимизда турган энг қийин чигалликнинг учини топиб бердингиз. Гап шундаки, ўша тиканак асосида тайёрланган малҳам бериб ухлатилган

Абдужалил ЗОКИРОВ.



билиб олганида, соғлиғи ёмонлашади. Сиз, сира ташвишланманг Дилдора Собировна, ҳозир унга тинчлантирувчи дори беришади. Ҳаммаси жойида бўлади...

Қосимжон бу хонада яна бир ой ётди. Унга ҳар хил дори-дармонлар бериб, бир неча бор текширишди. Бу орада у 12 яшарлик боладан 20 ёшлардаги йигитга айланди. Ойнинг охири Саид Воҳидович унинг хузурига кириб келди.

— Кайфиятингиз қалай? — сўради у.

— Раҳмат...

— Раҳматни Сиз бизга эмас, биз сизга айтишимиз керак, Қосимжон Собирович! Раҳмат! Биз ҳаммасидан хабардор-

жониворлар, шунингдек итлар синов пайтида узоқ вақт ухлашга ухларди-ю, лекин уйғонмай ҳалок бўлаётганди. Демак у ўсимликдан тайёрланган дори-дармонлар уларнинг организмга мос тушмас экан. У инсон организмга огирлик қилмаслигини эса, сиз аниқлаб бердингиз. Бу катта кашфиёт.

Саид Воҳидович бироз сукут сақлади-да сўнг яна сўзида давом этди:

— Қосимжон, Сиз уйғонганингиздан бери ўтган қисқагина вақт ичида 12 яшарлик боладан 20 ёшлик йигитга айландингиз. Менимча, энди ҳали жуда кўп йиллар шундайлигингизча қоласиз. Биз бунинг чо-

расини кўриб қўйишга ҳаракат қилдик.

— Бугун сизга жавоб берамиз. Сиз бу ердан чиққанингиздан кейин ўзингизга эҳтиёт бўлиб, кундалик режимга ниҳоятда риоя қилиб юришингиз, бир суткада 7 соатдан ортиқ ухлашингиз, ачиқ нарсалар ейишингиз, шунингдек чекишингиз мутлақо мумкин эмас. Келгуси ишларингизда муваффақият тилайман. Хайр.

— Хайр...

Хонага Дилдора кириб келди. Қосимжон уни синглим дея олмасди, чунки ўздан кўп баравар катта кўринарди. «Опа» ҳам деб чақиролмас эди, ахир синглисику... Дилдора бўлса, «ака» деб чақирарди.

— Мана энди сизларга жавоб, — деди Саид Воҳидович, кейин Дилдорани имлаб бир чеккага чақирди, — ўзингиз кундалик режимдан хабардор бўлиб турасиз-да.

— Хўп, хотиржам бўлинг.

Дилдора яшайдиган уй 100 қаватли иморатнинг 39-қаватида экан. Биринчи кунлари Қосимжон ўзи ухлаб етган даврда бўлиб ўтган ўзгаришларни кўравериб ёқасини ушлади. Янгича, яна ҳам тўғрироғи бошқача муҳитда турмуш кечиришга қовиша олмай юрди.

Яхшиям, бахтига жияни Ақром бор экан. Жияни ҳар насага қизиқувчан, мулоҳазали, ширин сўз бўлгани учун ҳам, келган кунидек иккаласи апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди.

(Давоми бор)

МИЛЛИОН НИМА?

Миллион деган ном 1500 йилда Италияда пайдо бўлган. Агар миллион киши қўлма-қўл ушлашиб занжир ҳосил қилинса, занжирнинг бир учи Киевда, иккинчи учи Архангельскда бўлади.

Агар одам миллион марта катталаштирилса, ётганда Фин қўлтиғидан Қримгача чузиларкан.

Миллион кун 27 аср, миллион секунд 11 сутка-ю 13 соат, 46 минут, 40 секундни ташкил қиларкан.

Миллион ҳарfli китоб 600-800 бетдан иборат бўлади. Агар китоб миллион бетли бўлса, унинг қалинлиғи 50 метр буларкан.

Миллион кун 27 аср, миллион секунд 11 сутка-ю 13 соат, 46 минут, 40 секундни ташкил қиларкан.

Миллион ҳарfli китоб 600-800 бетдан иборат бўлади. Агар китоб миллион бетли бўлса, унинг қалинлиғи 50 метр буларкан.



Бу уйинни исталган жойда — майсазорда ҳам, спорт майдончаси еки хона ичида ҳам утказиш мумкин. Болалар бир-бирларига жипслашиб, айла ҳосил қилиб турадилар. Уйин раҳбари уйинчилардан бирига мурожаат қилади:

— Бу ниманинг пати?
— Урданинг.

ПАЙТ УЙИНИ

— Бу ниманики?
— Қарганинг пати.

Уйновчилардан бири узидан олдин айтилган қўшнинг номини айтиб юборгунча савол-жавоб давом этаверади. Олдин айтилган қўшнинг номини такрорлаган уйинчига жарима берилди. Айбдор, одатда, болалар уртасида қушиқ еки шеър айтиши, е булмаса, уйинга тушиб бериши керак. Шундан кейин уйин қайталан бошланади. Уйиннинг қоидалари. 1. Уйновчилар ҳар бир қўшнинг номини фақат бир марта айтишлари керак. 2. Уйновчи фақатгина уйин раҳбарининг саволигагина жавоб бериши керак. 3. Уйинга раҳбарлик қилувчи уйинчилардан ҳам тайинланиши мумкин.

Бу уйин болаларнинг диққат ва хотирасини мустаҳкамлайди.

Дилрабо ДАВЛАТОВА
тайёрлади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма-абоқ.
Бувортма — Г-0520.
10960 нусхала босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

Руйхатдан отиш тартиби
№ 060137
Манзилимиз: 700083,
Тонкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр қураткичи: № 64563
Телефон:
1-33-44-25